

ТЎСАТДАН ЎЛГАН ЗЎРАКИ ЎЛИМНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИДАН ВАФОТ ЭТГАН ОДАМЛАРНИНГ ЖАСАДЛАРИДА ИРИДОДИАГНОСТИКА УСУЛЛАРИ

Туронов Бобур Собир угли

Республика илмий-амалий маркази

суд-тиббиёт экспертизаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11503168>

Аннотация: Маълумки, кўзлар қалбнинг кўзгусидир. Улар инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлиги ҳақида сўзлаб беришлари мумкин. Иридология – бу рангдор парда (ирис)нинг шакли ва ҳолати бўйича танадаги турли органларнинг ҳолатини аниқлашга имкон берувчи тиббий билимлар соҳасидир. Рангдор парда секторларининг ҳар бири одам организмнинг маълум бир органига мос келади. Иридодиагностика тиббиётнинг нисбатан ёш соҳасидир, лекин жуда қадимги илдизларга эга. Минглаб йиллар муқаддам табиблар касалликни кўзларга "қараб" аниқлаганлар. Айрим жиҳатдан – иридодиагностикадан бошланиб, иридология фаннинг бир қатор янги соҳаларини: клиник иридология, иридогенетика, иридотерапия ва суд (криминалистик) иридологиясини ўз ичига олди ва ривожланишига йўл очди.

Калит сўзлар: тўсатдан ўлган зўраки ўлим, иридодиагностика.

Кириш. Иридодиагностика асосларининг илмий асосланиши организмда энг мураккаб иридоорганли нерв алоқаларининг мавжудлиги билан боғлиқ. Хусусан, ички органлар билан рефлектор боғлиқ бўлган, тери ва рангдор пардадаги ташқи рецептор майдонлари билан ифодаланган, Захарин-Гед деб аталадиган зоналари Етарли даражада асосланган. Рангдор парда алоҳида қисмларининг деформацияси ва унда турли хил пигментларнинг пайдо бўлиши рефлектор, касалланган орган ва тўқималардан чиқувчи патологик импульслар таъсирида содир бўлиши аниқланган. Бундай импульсация натижасида рангдор парда тўқималари ва унинг томирларининг тонуси ўзгаради, ундаги маълум жараёнлар ва, хусусан, пигмент алмашинуви бузилади. Бу рангдор парда алоҳида қисмлари зичлигининг ўзгаришига ва рангдор парда бой бўлган пигментларнинг қайта тақсимланишига ва "чўкишига" олиб келади.

Иридодиагностиканинг ноёб имкониятлари, суд тиббиётида баҳсли оталик ва оналикни аниқлаш, шахсни идентификациялашда қўлланилиши мумкин бўлган, ирсий омилларнинг аҳамиятини аниқлаш қобилиятидан ҳам иборат.

Тадқиқот мақсади. Тўсатдан ўлимни ва тирик шахсларнинг конституционал-генетик хусусиятларини эксперт баҳолаш учун иридодиагностика усуллари қўллаш.

Тадқиқот объектлари бўлиб, тўсатдан ва зўраки ўлим натижасида вафот этган 172 та шахс жасадлари бўйича суд-тиббий экспертиза хулосалари, шунингдек, та кўнгиллилар ва тўсатдан (60) ва зўраки ўлимнинг баъзи турлари: 35 та – ЙХХ оқибатидаги БМЖ дан; 33 – осилиш натижасида механик асфиксиядан; 26 – спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар билан заҳарланишдан; 18 – жисмоний омиллар таъсиридан (юқори ва паст ҳарорат ва электр таъсиридан) вафот этган 172 шахснинг жасадлари бўйича ўз тадқиқотларимиз натижалари бўлди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари :

- суд-тиббиёт экспертлари учун “Иридокопия натижаларининг баённома картаси” ишлаб чиқилган;
- рангдор парданинг генетик хусусиятларини баҳолаш учун эксперт мезонлари ишлаб чиқилган;
- ҳар хил турдаги рангдор пардаларнинг одам конституционал хусусиятларига боғлиқлиги аниқланди. Бу экспертларга шахсни идентификациялаш ва соғлиқнинг умумий ҳолатини баҳолаш масалаларини ҳал қилиш имконини беради, турли мутахассисликларга яроқлилиқ бўйича комиссия ундан фойдаланиши мумкин;
- суд тиббиёти ва криминалистика амалиёти учун иридодиагностик семиология ишлаб чиқилган.

Иридодиагностиканинг апробациядан ўтган усуллари қўллаш, компьютер дастурлари ёрдамида олиб борилган тадқиқотларнинг услубий аниқлиги, текширилаётган материалнинг катта ҳажми ва замонавий қўшимча морфологик, суд-токсикологик, тиббий- криминалистик ва статистик тадқиқот усуллари билан тасдиқланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тўсатдан ўлимнинг сабабларини аниқлашда ва тирик одамларнинг шахсини идентификациялаш учун конституционал хусусиятларни аниқлашда, шунингдек баҳсли оталик ва оналикнинг ҳолатларини экспертиза қилишда иридологик маълумотларни баҳолашнинг суд-тиббий мезонларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Ушбу тадқиқотнинг олинган натижалари асосида қуйидаги услубий тавсиялар ишлаб чиқилди ва эксперт амалиётига жорий этилди:

1. Тўсатдан ўлим сабабларини аниқлаш учун суд-тиббий экспертизасида иридодиагностика имконияти.
2. Конституционал хусусиятларни аниқлаш учун тирик шахслар иридодиагностикаси.

Хулоса. Шундай қилиб, суд тиббиётида иридодиагностикани тадқиқ қилиш, ўтказилаётган суд-тиббиёт экспертизалар сифатини, шунингдек, уларни бажариш муддатларини ошириш имконини беради, бу эса, шубҳасиз, суд-тиббиёт хулосаларининг асосланганлиги ва далилий аҳамиятини оширади.

References:

1. Агатилов А. Е. Новые данные из опыта практической иридодиагностики // Иридолог: Сборник материалов Всесоюзной ассоциации иридологов. - 1990.- №2 -с. 16-18
2. Алексеев В. Ф. Значение иридодиагностики в раннем выявлении заболеваний желудка и двенадцатиперстной кишки и контроле за диспансеризацией. В кн.: Материалы 1 съезда гастроэнтерологов УССР. Днепропетровск, 1983. С. 21-24.
3. Алексеев В. Ф. Современные представления об иридологии и ее возможностях в гастроэнтерологии. В кн.: Актуальные вопросы гастроэнтерологии. в. 13. М., 1981. С. 106-108.
4. Алиева З. А., Вэльховер Е. С. Об адаптационно-защитной функции зрачковой каймы глаз. «Известия АН АзССР. Серия биологических наук», 1984, №4. С. 119-120.
5. Алиева З. А., Шульгина Н. Б. Анатомо-физиологическая характеристика гидродинамической системы глаза. Баку, 1980. 37 с.

6. Алиева З. А., Шульпина Н. Б., Грачева Г. В. Клинические особенности и лечение хронической иридоцилиарной дистрофии. «Доклады АН АзССР», 1984, т. 40, № 3. С. 74-80



INNOVATIVE
ACADEMY